



НАТУРАДА ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШ УСЛУБЛАРИ ВА ЎЛЧАШ АСБОБ-УСКУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАВСИФЛАРИ

ҲИКМАТОВ ФОЗИЛБЕК САНЪАТИЛЛОЕВИЧ

Ирригация ва мелиорация каналларини лойиҳалашда ва улардан фойдаланишда каналларнинг нормал иш режимини таъминлаш муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунга кўра истеъмолчига мунтазам равишда керакли миқдордаги сув етказиб берилиши лозим. Маълумки, сарф миқдори кўп жиҳатдан каналнинг транспорт қилиш имкониятига боғлиқ бўлади. Бу масалани ўрганиш учун Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг биз томондан Қашқадарё вилоятининг “Миришкор” каналида тадқиқот ишлари олиб борилди.

Миришкор канали. Миришкор канали Қашқадарё вилоятининг Нишон, Муборак ва Миришкор туманларидан ташқари, қўшни Туркменистон Республикаси ҳудудидан ҳам оқиб ўтади. Миришкор каналининг ўмумий узунлиги 118,9 км ташкил этилиб, умуман тизим бўйича каналнинг узунлиги 281,42 км, максимал сув сарфи $120 \text{ м}^3/\text{с}$ ташкил қилади. Канал узунлиги бўйлаб кўндаланг кесими трапеция шаклида бўлиб, асосий ўзани табиий тупроқдан иборат.

Мазкур канал бир неча участкадан ташкил топган бўлиб, ҳар бир участка ўзга хусусиятга эга бўлган гидравлик кўрсаткичларга эга.

Миришкор каналнинг шаклланишига оқимдаги оқизикларнинг таъсир механизми жуда катта роль ўйнаган.

Миришкор каналининг ПК 245 ва ПК 720 участкаларида тадқиқотлар олиб борилди ва уларни ўтказишда кўрсатилган техник ўлчаш асбоб ва ускуналаридан фойдаланилди.



Белгиланган створлардаги сув сатҳини мунтазам кузатиш ва ўлчаш мақсадида сув ўлчагич рейкалар ўрнатилди.

Хулоса қилиб айтганда : Бугунга қадар ювилиш тезлигини ва оқизиклар транспортини баҳоловчи мавжуд илмий тавсиялар текис оқим (тўғри бурчакли шаклига яқин кенг каналлар) шароитлари учун ишлаб чиқилган бўлиб, трапеция шаклли каналлар учун жуда кам илмий ишлар қилинган.